

ЁЛҒОН ВА БЎХТОН, ХАТО ВА ЯНГЛИШИШЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

ҚарМIIИ катта ўқитувчи Б.Жалилов

Инсоннинг билиш жараёни мураккаб тузилишга эга бўлиб, ҳақиқатга эришиш йўлида баъзида ёлғон ва янглишиш ҳолатларига дуч келади.

Қадимги юнонларда “Инсонни камчиликлари ва янглишгани учун суд қилмайдилар”, деган нақл бўлган. Негаки, камчилик, бу – табиий ҳол, янглишиш эса барча одамлар ҳаётида учраши мумкин. Уларнинг ёлғон ва бўхтондан фарқи ҳам шунда. Ёлғон ҳам, бўхтон ва тухмат ҳам атайин амалга оширилган алдашдир, уларда бирон-бир мақсад кўзланиб, далиллар сохталаштирилади ёки атайлаб бузиб талқин этилади.

Гарчанд бу тўрттала термин ҳам ҳақиқатни ифодаламаса-да, уларнинг ҳақиқат билан оралиғидаги фарқ турлича бўлиб ҳисобланади. Бири ҳақиқатга бутунлай зид бўлса, бошқаси эса (масалан янглишиш) ҳақиқатга эришиш йўлидаги натижа бўлиши ҳам мумкин. Ёлғон ва бўхтон эса бундай мазмун-маънони ифодалай олмайди, улар ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқат бўла олмайди. Янглишиш ва хатода гносеологик жиҳат, ёлғон ва бўхтонда эса ижтимоий мотив кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳақиқатнинг антиподи ёлғон ҳисобланади. ***Ёлғон деганда, одатда нотўғри тасаввурларни олдиндан англаган ҳолда ҳақиқат ўрнида қўллашга уриниш тушунилади.*** Ёлғон кундалик ва социал ҳаётда чуқур илдиз отган, инсонлар ўзаро алоқа қиладиган барча жойда учрайди.

“Ёлғон” тушунчаси, ўз моҳиятига кўра “бўхтон” (дезинформация) тушунчасига яқин туради. Ёлғон доимо субъектнинг ният муддаоси билан боғлиқ бўлса, бўхтон эса англаган ва англамаган бўлиши мумкин. Бундан у ҳақиқат бўлиб қолмайди.

Бўхтон тушунчаси шу маънода “ёлғон”дан фарқ қиладди, бундан ташқари унда ахборот узатиш жараёни, яъни коммуникатив момент яққол кўзга ташланиб туради. ***Бўхтон – ёлғон билимни ҳақиқат сифатида ёки ҳақиқат бўлган билимни ёлғон сифатида узатиш, етказишга уриниш ҳисобланади.***

Янглишиш – ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим. Ҳақиқат ёйилиши ва теранлашувининг барча босқичларида унинг доимий ва зарурий ҳамроҳи янглишишдир. Ҳақиқат нима ва уни янглишишлардан (Бэкон таъбири билан айтганда, «тафаккур бутлари»дан) қандай қилиб халос этиш мумкин, деган саволлар одамларни (фақат фан соҳасидагина эмас) доим қизиқтириб келган. Ҳақиқат ва янглишиш категориялари билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодаловчи асосий категориялардир.

Билимнинг нотўғри шакли бўлган янглишишнинг бош манбаи ижтимоий-тарихий амалиёт ва билишнинг чекланганлиги, норасолиги ёки заифлигидир. Янглишиш ўз моҳиятига кўра борлиқнинг айрим жиҳатларини билиш натижаларининг мутлақлаштирилиши натижаси сифатида юзага келувчи борлиқнинг нотўғри инъикосидир.

Янглишишлар ўз шаклларига кўра ранг-барангдир. Илмий ва ноилмий, эмпирик ва назарий, диний ва фалсафий янглишишларни фарқлаш лозим. Хусусан, фалсафий янглишишлар орасида эмпиризм, рационализм, софистика, эклектика, догматизм ва релятивизм мавжуд.

Янглишишни ёлғондан – ҳақиқатни ғаразли мақсадларда атайлаб бузиб кўрсатиш ва бу билан боғлиқ бўлган сохта билим бериш, дезинформациядан фарқлаш лозим. ***Янглишиш билим хусусияти бўлса, хато – индивиднинг инсон фаолияти муайян жабҳасидаги нотўғри ҳаракатлари натижасидир:*** ҳисоблашдаги, сиёсатдаги, турмушдаги хатолар ва ҳ.к. Мантикий хатолар – (формал ёки диалектик) мантиқ тамойиллари ва қоидаларини бузиш ва предметни, ишларнинг асл ҳолатини билмаслик билан белгиланувчи ҳақиқий хатолар фарқланади.

Хулоса. Ҳақиқат билишнинг мезонидир. Инсон амалий фаолияти ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган. Бироқ ҳақиқат ёлғон билан ёнма-ён туради. Ёлғон инсон ҳаётининг таркибий қисми сифатида амал қилади.

Амалиёт ва билишнинг ривожланиши у ёки бу янглишишлар эртами, кечми бартараф этилиши, ё ҳақиқий билимга айланиши (алхимиянинг кимёга айланиши)ни кўрсатади. Янглишишларни юзага келтирган ижтимоий шароитларни ўзгартириш ва такомиллаштириш, ижтимоий-тарихий амалиётнинг етуклиги, билимнинг ривожланиши ва теранлашуви янглишишларни бартараф этишнинг муҳим омилларидир. Бу эса борлиққа нисбатан апологетик (ҳимояловчи-оқловчи) ёндашувни эмас, балки конструктив-танқидий ёндашувни, «синовлар ва хатолар» методини амалга оширишни (Поппер) тақозо этади.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси Бахтиёр Жалиловнинг “**ЁЛҒОН ВА БЎҲТОН,
ХАТО ВА ЯНГЛИШИШЛАРНИНГ МОҲИЯТИ**” мавзусидаги мақоласига

ТАҚРИЗ

Муаллиф Жалилов Бахтиёр ушбу мақолада ёлғон ва бўҳтоннинг бундай мазмун-маънони ифодалай олмаслиги, улар ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқат бўла олмаслиги очиб берилган. Янглишиш ва хатода гносеологик жиҳат, ёлғон ва бўҳтонда эса ижтимоий мотив кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳақиқатнинг антиподи ёлғон ҳисобланади. Ёлғон кундалик ва социал ҳаётда чуқур илдиз отган, инсонлар ўзаро алоқа қиладиган барча жойда учрайди. Янглишишни ёлғондан – ҳақиқатни ғаразли мақсадларда атайлаб бузиб кўрсатиш ва бу билан боғлиқ бўлган сохта билим бериш, дезинформациядан фарқлаш лозим эканлиги курсатиб ўтилган. ***Янглишиш билим хусусияти бўлса, хато – индивиднинг инсон фаолияти муайян жабҳасидаги нотўғри ҳаракатлари натижасидир:*** ҳисоблашдаги, сиёсатдаги, турмушдаги хатолар ва ҳ.к. Мантикий хатолар – (формал ёки диалектик) мантиқ тамойиллари ва қоидаларини бузиш ва предметни, ишларнинг асл ҳолатини билмаслик билан белгиланувчи ҳақиқий хатолар фарқланади. “Ёлғон” тушунчаси, ўз моҳиятига кўра “бўҳтон” (дезинформация) тушунчасига яқин туради. Ёлғон доимо субъектнинг ният муддаоси билан боғлиқ бўлса, бўҳтон эса анланган ва анланмаган бўлиши мумкин. Бундан у ҳақиқат бўлиб қолмайди.

Бўҳтон тушунчаси шу маънода “ёлғон”дан фарқ қилади, бундан ташқари унда ахборот узатиш жараёни, яъни коммуникатив момент яққол кўзга ташланиб туради.

Ушбу мақолада ёлғон ва бўҳтоннинг моҳияти атрофлича очиб берилган.

ҚарМИИ “Ўзбекистон тарихи”

кафедраси катта ўқитувчиси:

З.Сафарова